


С. Ш. Мкртчян



МАТЕМАТИКА



$$10 + 5 =$$



1

ИККИНЧИ ҚИСМ

Кыргыз Республикасынын
Мамлекеттик Герби



Кыргыз Республикасынын
Мамлекеттик Туусу



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Текстин авторлору

Ж. Садыков менен Ш. Кулуев.

Музыкасынын авторлору

Н. Давлесов, К. Молдобасанов.

Ак мөңгүлүү аска-тоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма.

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Ыйык сактап урпактарга берели.

Кайырма.

С. Ш. Мкртчян



МАТЕМАТИКА

1

ИККИНЧИ ҚИСМ

Умумий таълим мактаблари учун дарслик

*Қирғиз Республикасининг Таълим ва
фан вазирлиги тасдиқлаган*

БИШКЕК 2011

УДК 373.167.1
ББК 22.1 я 721
М 71

Босма Осие Ривожлантириш Банки маблаги хисобига
«Таълимнинг иккинчи лойихаси» доирасида,
№ 0020 - KGZ (SF), грантининг ва № MOES ICB LTM-I
шартноманинг асосида нашр этилган.

Мкртчян Сократ Шаумович

М 71 Математика 1, Иккинчи қисм. 1-синф учун дарслик. Б.: «Учқун»,
2011. – 96 б., илл.

М 4306020500-11

УДК 373.167.1
ББК 22.1 я 721

ISBN 978-9967-439-57-3

© ҚР ТваФВ, 2011
© «Зангак-97», ЖЧЖ

Салом!
Мен – Ойбекман

Мен
эса – Ойгулман

Бу китобда биз
яна учрашамиз
ва биргалашиб
ишлаймиз.

Биз билан сиз
математиканинг
сирлари
билан танишасиз

Биз билан Анора
ва Азиза
хам бўлишади.

Улар билан
танишинг!

Мен –
Анораман

Мен эса –
Азизаман

*Тўқсариқ топшириқларни
оғзаки бажаринг.*

*Кўк топшириқларни
ёзма бажаринг.*

*Яшил билан эса қийинроқ топшириқлар
белгиланган. Талаб қилишади ...*




1 ДАН 9 ГАЧА СОНЛАР


- 1** Сиз энди бу сонларни биласиз.
Уларни аввал 1 дан 9 гача, кейин эса 9 дан 1 гача сананг.



- 2** Стрелкаларнинг ҳар бирининг рангини ва унга мувофиқ сонни атанг.



- 3** Ҳар бир гуруҳ нечта birlikни ўз ичига олади?



- 4** Карасангиз, 1 дан 9 гача сонларни Ойгул қандай чиройли ёзган. Уларни ўзингизнинг дафтарингизга ҳудди шундай қилиб ёзинг.



1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9
9, 8, 7, 6, 5, 4, 3, 2, 1


- 5 Кутичада қизил ва кўк шарлар. Агар кутичада ҳаммаси бўлиб 7 шар бўлса, нечта қизил ва нечта кўк шар бўлиши мумкин?

Кизил

Кўк



- 6 Доираларни каттайиш тартибида – кичкинадан каттага қараб атанг.




- 7 Ўйин. Ҳар бир охирги ортикча



- 8 Чизмада нечта учбурчак бор?




- 9 Ҳар бир кесманинг узунлиги қандай? Ўз жазвалингиз билан текширинг.





ЎН Сони

1 Ўн сонининг ёзилиши билан танишинг.



Кутичада ўнта
қалам бор.
Уларни ҳисобланг.



Бу ўн бирликдир.

Ўнта бирлик 1 ўнликни ташкил этади.

10



10 сони икки рақамнинг ёрдами билан ёзилади.

Ўн



2 10 сонини ўз дафтарингизга ўша симон чиройли ёзинг.



10, 10, 10, 10

3 Суратдан фойдаланиб, 10 сонининг таркибини ёзинг.




Мисол



$$10 = 4 + 6$$


- 4** Тенг кесмаларнинг номерларини атанг.
Ўлчаш орқали текширинг.




- 5** Чизмада нечта учбурчак бор?



- 6** Ҳар бир юлдуздан 1 бирлик чапроқда ва 1 бирлик ўнроқда бўлган шаклларни атанг.



- 7** Квадратларни каттадан кичикка кичрайиш тартибида атанг.



- 8** Қайси роботлар ўринларидан адашган?





10 НИҢГ ЧЕКЛАРИДАГИ СОНЛАРНИ СОЛИШТИРИШ

1 Ёзувларни ўқинг.

$6 < 9$

$5 > 0$

$8 < 9$

$9 = 9$

$7 > 4$

$4 = 4$

$6 > 0$

$4 < 6$



$8 = 8$

$2 < 10$



$3 > 2$

$10 > 8$

2 Тенгсизликларни тузинг.



3 Таққосланг:



4 Сонларни таққосланг:

6 ва 3

5 ва 8

8 ва 8

7 ва 10


4 ва 2

10 ва 4


3 ва 3

6 ва 6

3 ва 9




5 Ойбекнинг саволларига жавоб беринг.




- 5 ва 8 сонлари ҳақида нима айта оласиз? Уларнинг қайсиниси катта? Уларнинг қайсиниси кичик?
- Қайси сон катта - 8 ми ёки 3? Уларнинг қайсиниси кичик?
- Сонларнинг қайсиниси энг кичкина: 5, 8, 7?

6 Ҳар бир юлдуздан 2 бирликка чапроқда турган шаклларни атанг.



Шу сингари топшириқларни тузинг.

7 Белгиланган сонлардан 2 бирликка ўнроқда турган сонларни атанг.



Шу сингари топшириқларни тузинг.

8 Тимур, Асқар ва Фарҳод велосипедларда боришмоқда. Уларнинг исмларини тартиб билан атанг.

Тимур биринчи эмас, унинг кийими кўк эмас. Асқар охири эмас.





1 Сонларни таққосланг:

Расмни фойдаланиб,
ўз ёзувингизни текширинг.




5 ва 3 9 ва 8
 2 ва 6 4 ва 7
 5 ва 5 2 ва 2

Мисол


3 ва 7 $3 < 7$!|!|...
 5 ва 2 $5 > 2$!|!|...
 4 ва 4 $4 = 4$!|!|!

2 Тенгсизликларни тузинг.

Мисол



3 Ойбекнинг саволларига жавоб беринг.



- 7 сонлари ҳақида нима айта оласиз? Уларнинг қайсиниси катта? Уларнинг қайсиниси кичик?
- Қайси сон кичкина – 7 ми ёки 10? Уларнинг қайсиниси катта?
- Сонларнинг қайсиниси энг катта: 5, 10, 7?


4 Сонларни кичкинадан каттага қараб ўсиш тартибида ёзинг.

8 2
10 7

5	10	Мисол
7	3	3, 5, 7, 10

5 Юлдузларнинг ҳар бири учун олдинги ва кейинги шаклни атанг.

Олдинги Кейинги



6 Белгиланган сонлар учун олдинги ва кейинги сонларни атанг.



7 Ўйин. Фаҳмлаб билинг!

Анорага Ойгул уларда бир хил миқдорда таёқчалар бўлсин учун нечта таёқча бериши лозим?



Шунинг сингари ўйинни ўйлаб топишга уриниб кўринг.



10 НИНГ ЧЕКЛАРИДАГИ СОНЛАРНИ ҚЎШИШ

1 Қўшилувчиларни ва йиғиндини атанг.

$6 + 3$	$8 + 0$	$0 + 9$
$7 + 2$	$6 + 2$	$4 + 6$
$9 + 1$	$4 + 4$	$2 + 8$



йиғинди

$$4 + 3$$

қўшилувчи

қўшилувчи




йиғинди

$$4 + 3 = 7$$

йиғинди, ёки

йиғиндининг қиймати

2 Қўшилувчиларни ва йиғиндини атанг.
Расмларга кўра тенгликларни тузинг.





3 Расмларга кўра тенгликларни тузинг.



Мисол

$$2 + 2 = 4$$



4 Йиғиндини ҳисобланг.





$$\begin{array}{ccc} 3 + 3 & 5 + 3 & 6 + 2 \\ 7 + 3 & 4 + 5 & 2 + 6 \end{array}$$

Мисол

$$6 + 3 = 9$$

5 Такқосланг:

$$5 + 2 > 5$$



6 Ҳар бир чизмада неча квадрат бор?




7 Ҳар бир гуруҳда неча сўм?





**1** Жадвални тўлдириг.



кўшилувчи	8	5	7	4	9	5
кўшилувчи	1	2	3	4	0	4
йигинди	9					

2 Тенгликларни тузинг.

Мисол

**3** Тенгликларни тузинг.

Мисол

**4** Дафтарда бўш катакчаларни тўлдиришни давом эттириг.

Ўнгга	→	6
Чапга	←	
Юқорига	↑	
Пастга	↓	
Юқорига + пастга	↑ + ↓	
Ўнгга + чапга	→ + ←	

- 5** Сонларни каттадан кичкинага қараб камайиш тартибида ёзинг.

6 2
 9
 10 7

1	10	Мисол
7	4	10, 7, 5, 4, 1
5		

- 6** 3 нуктани дафтарга расмда кўрсатилган каби қўйинг.

А, В, С ҳарфлари нукталарнинг номларидир.

В нуктаси А нуктасидан 2 квадратга чапроқда ва 3 квадратга пастроқда.



А.

С


В.



- 7** Ҳисоблашни бажаринг.

$$\boxed{2} + 2 \quad \boxed{} + 2 \quad \boxed{} + 2 \quad \boxed{} - 2 \quad \boxed{} - 2 \quad \boxed{} - 2 \quad \boxed{} - 2 \quad \boxed{0}$$

- 8** Бир боғламда 6 сабзи, иккинчисидан эса 4 сабзи бор. Икки боғламда нечта сабзи бор?



- 9** Доираларни фикран учликларга ажратинг ва нечта учликлар пайдо бўлганини аниқланг.





10 НИНГ ЧЕКЛАРИДАГИ СОНЛАРНИ АЙИРИШ

1 Камаювчи, айирувчи ва айирмани атанг.

$$\begin{array}{ccc} 6 - 3 & 5 - 1 & 10 - 7 \\ 7 - 2 & 4 - 4 & 10 - 3 \\ 6 - 2 & 8 - 0 & 3 - 0 \end{array}$$



айирма

$$8 - 6$$


камаювчи айирувчи

айирма

$$8 - 6 = 2$$

айирма, ёки айирманинг қиймати

2 Айирмаларни ҳисобланг ва тенгликни тузинг.



Мисол

5 10

3 2 4 6

$5 - 2 = 3$ $10 - 6 = 4$

3 Айирмани ҳисобланг.

$$\begin{array}{ccc} 7 - 3 & 8 - 5 & 8 - 8 \\ 7 - 4 & 10 - 8 & 10 - 0 \end{array}$$





Мисол

$$9 - 6 = 3$$

4 Таққосланг:



$$7 - 2 < 7$$



5 Дафтарга А, В, С нукталарини расмда кўрсатилган каби қўйинг. Уларни кесмалар орқали туташтиринг ва бу кесмаларни атанг.

В.

А.

С.

АВ бу кесманинг номи.




6 Масалани ечинг.

- Ойбекда 5 та олма бор. Агар унга янан 3та олма берилса, унинг олмалари нечта бўлади?
- Ойбекда 5 олма бор. Агар ундан 3та олма олинса, унинг олмалари нечта бўлади?

7 Амалий иш.

Уzunлиги 10 см. ип парчасини кесиб олинг. Уни икки қисмга шундай бўлингки, бир қисмининг узунлиги 6 см бўлсин. Иккинчи қисмининг узунлиги қандай бўлади? Жазвал билан ўлчаб, жавобини текширинг.





СОНЛИ ИФОДА. ИФОДАНИНГ ҚИЙМАТИ

- 1** Ойбек томонидан тузилган ифодани ўқиг. У нимани англатади.



Мен расм
бўйича ифода
туздим.

Мен эса
ифоданинг
қийматини
ҳисобладим.



$$5 + 1 + 3$$

Бу ифода. Бу ифоданинг қиймати - 9.

Тенглик тузаоламиз:

$$5 + 1 + 3 = 9$$

- 2** Мазкур ёзувлардан фақат ифодаларнигина ўқинг.

Ифода – сонлар амаллар белгилари
билан бирлаштирилган ёзувдир.

$5 + 5$

$3 + 5 - 2$

$1 + 0$

$7 - 2$

$7 - 2 + 1$

$7 < 10$

$6 > 5$

$0 + 5 = 5$

$6 = 6$



- 3** Ифодаларнинг қийматларини ҳисобланг.



$5 + 3$

$8 - 5$



$5 + 3 + 1$

$1 + 3 + 5$

Мисол



$3 + 2 + 5 = 10$

$5 + 2 + 3 = 10$

- 4** Ҳар бир расмга қандай ифода тўғри келади? Уларнинг қийматларини ҳисобланг.

$10 - 3$


$2 + 3 + 5$

$5 + 3 + 2$

$3 + 2 + 5$

$4 + 3 + 3$

$3 + 4 + 3$



- 5** Ифодаларнинг қийматларини ҳисобланг.

$8 - 3$

$8 + 0$

$0 + 0$

$6 + 4$

$7 - 2$

$0 - 0$

Мисол

$9 - 3$

$9 - 3 = 6$

- 6** Викторина. Расм асосида ким кўпроқ ифода тузади?





$4 + 3 + 2$

$2 + 3 + 4$

.....



- 7** Ҳар бир расмда нечта тўғрибурчак тасвирланган?



- 8** Тенгликларни тикланг.

+ -

$5 + 2 = 7$

$1 = 2$

$5 + 2 + 1 = 8$

$5 + 2 - 1 = 4$

Мисол

$5 + 2 - 1 = 6$

$5 + 2 - 1 = 6$






1 Ҳар бир расм бўйича 3 тадан тенглик тузинг.

Мисол 7

5 2

$$5 + 2 = 7$$

$$7 - 2 = 5$$

$$7 - 5 = 2$$


2 Ҳар бир чизма бўйича 3 тадан тенглик тузинг.




Мисол

10

7 3

$$7 + 3 = 10$$

$$10 - 3 = 7$$

$$10 - 7 = 3$$


3 Ифодаларнинг қийматларини ҳисобланг.

$3 + 5$	$3 - 3$	$2 + 5 - 0$
$6 + 2$	$9 - 3$	$5 + 4 - 3$
$0 + 4$	$8 - 4$	$4 - 2 + 6$

Мисол $5 + 5 - 0$

$$5 + 5 - 0 = 10$$



- 4** Буви 8 та сабзи тозалади. Уларнинг 3 тасини у Ойбекка, 2 тасини эса Фарходга берди. Бувида нечта сабзи қолган?



- 5** Ўйин. Фаҳмлаб билинг!



Безак ўз ичига 4 та яшил ва 4 та сариқ учбурчакни олади. Қандай учбурчаклар яширинган?

Шунинг сингари ўйинни ўйлаб топишга уриниб кўринг.

- 6** Ҳисоблашни бажаринг.

$$\boxed{4} + 2 \boxed{} + 3 \boxed{} + 1 \boxed{} - 1 \boxed{} - 3 \boxed{} - 2 \boxed{} - 4 \boxed{0}$$

- 7** Бу чизмада ҳаммаси бўлиб нечта кесма бор?
Бу кесмаларни атанг.

A B C

- 8** Тенгликларни тикланг.

$$\begin{array}{l} (+ -) \quad 5 \quad 3 \quad 2 = 6 \\ \quad \quad 5 \quad 3 \quad 2 = 4 \\ \quad \quad 5 \quad 3 \quad 2 = 0 \end{array}$$

Мисол

$$5 \quad 3 \quad 2 = 10$$

$$5 + 3 + 2 = 10$$

- 9** 10 сўмни ҳар хил усуллар билан олинг.

Мен 10 сўмни шу тариқа олдим.





1 Амалларни бажаринг ва бўш катакчаларни тўлдириг.

$$\begin{array}{c} 2 \\ \leftarrow \oplus \quad \rightarrow \\ 6 \quad \quad \quad \square \\ \leftarrow \ominus \quad \rightarrow \\ 2 \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 5 \\ \leftarrow \ominus \quad \rightarrow \\ 9 \quad \quad \quad \square \\ \leftarrow \oplus \quad \rightarrow \\ 5 \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 4 \\ \leftarrow \oplus \quad \rightarrow \\ 4 \quad \quad \quad \square \\ \leftarrow \ominus \quad \rightarrow \\ 4 \end{array}$$


Дафтарда бундай ёзишингиз мумкин:





Мисол

$$\begin{array}{c} 2 \\ \leftarrow \ominus \quad \rightarrow \\ 5 \quad \quad \quad \square \\ \leftarrow \oplus \quad \rightarrow \\ 2 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 5 - 2 = 3 \\ 3 + 2 = 5 \end{array}$$



2 Ҳар бир чизма бўйича тенгликларни тузинг.



3 Ифодаларнинг қийматларини ҳисобланг.


$$\begin{array}{ccc} 7 + 2 & 5 + 1 - 2 & 10 - 5 + 5 \\ 7 - 2 & 2 - 0 + 8 & 7 + 2 - 2 \end{array}$$

4 Ҳар бир тенглик нимани англатади?

$$3 + 4 + 2 + 1 = 10$$

$$4 + 2 = 6$$

$$4 + 3 + 1 = 8$$



5 Олдинги ва кейинги сонни атанг.

8 сони 7 сонидан кейинги.

6 сони 7 сонидан олдинги.

..., 7,, 3, ...

..., 4,, 5, ...


..., 2,, 8, ...



6 Ҳисоблашни бажаринг.

$\boxed{1} \xrightarrow{+3} \square \xrightarrow{+3} \square \xrightarrow{+3} \square \xrightarrow{-3} \square \xrightarrow{-3} \square \xrightarrow{-3} \square \xrightarrow{-0} \boxed{1}$


7 Расмга қаранг ва саволларга жавоб беринг.



- Қайси шакллар сариқ ва кўк юлдузларнинг орасида жойлашган?
- Қайси шакллар кўк учбурчакдан икки бирликка узоқроқда жойлашган?

Ўхшаш саволларни тузинг.

8 Расмга қаранг ва Ойбекнинг саволларига жавоб беринг.




- Қайси сонлар 5 ва 9 сонларининг орасида жойлашади?
- Қайси сон 5 сонидан 3 бирликка ўнроқда туради?
- Қайси сонлар 5 сонидан 3 бирликка узоқроқда туришади?



МАСАЛА ЕЧИМИНИНГ ЁЗИЛИШИ. СХЕМА


1 Масаланинг ечимини дафтарга ёзинг.

Озод 5 та қизил ва 3 та яшил
квадратларнинг расмини чизган.
Ҳаммаси бўлиб Озод нечта
квадратнинг расмини чизган?



Мен масаланинг
схемасини чиздим.

Мен эса
масалани
ечдим.





Ечим


$$5 + 3 = 8$$

Жавоб: 8 кв.

2 Схема бўйича масалани тузинг ва ечимини ёзинг.



3 Схема бўйича ҳар хил масалаларни ўйлаб топинг.



- 4** Айирмаларни кўчириб ёзинг ва уларнинг қийматларини ҳисобланг.

$$4 + 5 \quad 8 - 5 = 3 \quad 8 - 3 \quad 3 = 3$$

$$7 - 2 \quad 6 - 0 \quad 6 > 0 \quad 6 < 10$$

- 5** **Викторина.** Ким кўпроқ тенгликларни тузади?

Шаклларни сонлар билан шундай алмаштириши керакки, тенглик келиб чиқсин.

$$\square + \square = 8$$

Мисол

$$4 + 5 = 9$$

Шунинг сингари ўйинни ўйлаб топишга уруниб кўринг.

- 6** Тушириб қолдирилган сонларни атаб, ўқинг.

7, ..., 5, 4, ..., ..., 1

8, ..., 6, 5, ..., ..., 2

9, ..., 7, 6, ..., ..., 3

Мисол

5, 4, ..., ..., 1


5, 4, 3, 2, 1



- 7** Йиғиндиси 8, 9, 10 га тенг бўлган сонларнинг жуфтини танлаб олинг.




- 8** Берилган шакллардан 3 та квадрат тузинг.






1 Масаланинг ечимини дафтарга ёзинг.

Тимурда 10 олма бор. Уларнинг 6 таси қизил, қолганлари эса яшил. Тимурда нечта яшил олма бор?



Мен масаланинг схемасини чиздим.



Мен эса масалани ечдим.





Ечим



$$10 - 6 = 4$$

Жавоб: 4 олма.

2 Схема бўйича масалани тузинг ва ечимини ёзинг.



3 Схемалари бўйича масалаларни ўйлаб топинг ва ечимларини ёзинг.



4 Жадвални тўлдириг.

Камаювчи	4	8	5	4	9
Айирувчи	1	2	4	0	9
Айирма	3				

5 Сонларни аввал ўсиш, кейин эса камайиш тартибида ўкиг.



6 Ҳисоблашни бажаринг.

$$\boxed{3} \xrightarrow{+2} \square \xrightarrow{+2} \square \xrightarrow{+2} \square \xrightarrow{-2} \square \xrightarrow{-2} \square \xrightarrow{-2} \square \xrightarrow{-2} \boxed{1}$$

7 Айирмаси 2, 3, 5 га тенг бўлган сонларнинг жуфтани танлаб олинг.



8 Тенгликларни тикланг.

$\boxed{+}$ $\boxed{-}$

$$\begin{array}{cccc}
 2 + 2 & 2 - 2 & 2 + 2 & 2 = 4 \\
 2 + 2 & 2 - 2 & 2 + 2 & 2 = 0 \\
 2 + 2 & 2 - 2 & 2 + 2 & 2 = 8 \\
 2 + 2 & 2 - 2 & 2 + 2 & 1 = 5
 \end{array}$$

9 Ўйин. Ким кўпроқ усулларни таклиф этади?

Таёқчаларнинг миқдорини кўпайтириб ёки камайтириб, гуруҳлардаги таёқчаларнинг миқдорини тенглаштиринг.






Шунинг сингари ўйинни ўйлаб топнишга урилиб кўринг.




НЕЧТАГА ОЗ. НЕЧТАГА КЎП

- 1** Ҳар бир гуруҳда қизил предметлар яшилга нисбатан нечтага кўп? Ҳар бир гуруҳда яшил предметлар қизилга нисбатан нечтага оз?




- 2** Саволларга жавоб беринг.




- 7 ва 4 сонларининг айирмаси қандай?
- 7 доира 4 доирага нисбатан нечтага кўп?
- 4 дан 7 нечтага кўп?
- 7 дан 4 нечтага оз?

- 3** Кўк ва яшил тўғрибурчакларнинг айирмасини ҳисобланг ва саволларга жавоб беринг.

Кўк тўғрибурчаклар яшиллардан нечтага кўп? Яшил тўғрибурчаклар кўклардан нечтага оз?




Мисол



$$7 - 4 = 3$$

- 4** 10 ва 6 сонларининг айирмасини ҳисобланг ва саволларга жавоб беринг.

6 дан 10 нечтага кўп?
10 дан 6 нечтага оз?




- 5** Ойбекнинг таёқчаларини ҳисобланг ва саволларга жавоб беринг.

- Агар Ойбекка тагин 3 таёқча берсак, унинг таёқчаларининг миқдори нечага кўпаяди?
- Агар Ойбекдан 2 таёқчани олсак, унинг таёқчаларининг миқдори нечтага озаяди?



- 6** Аввал катакчаларни тўлдириш йўллари топишга уриниб кўринг, кейин эса уларни Ойгул каби тўлдиринг.




Мисол

$$2 + 1 = 3$$

$$1 + 3 = 4$$

$$3 + 4 = 7$$



- 7** Берилган шакллардан 3 та квадрат тузинг.



1



2



3



4




5



6



1 Саволларга жавоб беринг.



- Ойгулда нечта яшил таёқча бор?
- Унда нечта сариқ таёқча бор?
- Қайси рангдаги таёқчалар кўпроқ?
- Яшил таёқчалар сариқлардан нечтага кўпроқ?
- Ойгулда ҳаммаси бўлиб нечта таёқча бор?



2 Жадвалнинг тўғри тўлдирилганлигини текширинг ва Ойбекнинг саволларига жавоб беринг.





Камаювчи	8	8	7	4	9
Айирувчи	1	6	4	4	0
Айирма	7	2	3	0	9

- 8 ва 1 сонларининг айирмаси қандай?
- 6 дан 8 нечтага кўпроқ?
- 7 дан 4 нечтага озроқ?

Ўхшаш саволларни тузинг.

3 Яшил ва кўк тўғрибурчакларнинг айирмасини ҳисобланг ва саволларга жавоб беринг.

Кўк тўғрибурчаклар яшиллардан нечтага оз? Яшил тўғрибурчаклар кўклардан нечтага кўп?



- 4** Масаланинг ечимини қандай ёзиш кераклигини қаранг.
Намунани дафтарга ёзинг.

Ечим

Қутичада 10 та тухум бўлган.

Уларнинг 3 тасини ойи фойдаланган.

Қутичада нечта тухум қолган?

$$10 - 3 = 7$$

Жавоб: 7 тухум.

- 5** Йиғиндиларни кўчириб ёзинг ва уларнинг қийматларини ҳисобланг.

$3 + 5$

$8 + 1 = 9$

$8 + 3$

$3 + 3$


$8 - 2$

$6 + 0$

$7 > 2$

$6 < 8$

- 6** Чизмада нечта кесма ва нечта синик чизик бор?
Уларни атанг.



- 7** Юлдузчаларни рақамларга алмаштиринг.

$* > 5$

$* < 2$

$* = 8$

$* > 0$

- 8** Катакчаларнинг ўрнида қандай сон бўлиши лозим?

$$\begin{array}{c} 5 \\ / \quad \backslash \\ 2 \quad \square \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 5 \\ / \quad \backslash \\ 1 \quad \square \end{array}$$



$$\begin{array}{c} 5 \\ / \quad \backslash \\ 4 \quad \square \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 6 \\ / \quad \backslash \\ 3 \quad \square \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 6 \\ / \quad \backslash \\ 4 \quad \square \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 6 \\ / \quad \backslash \\ 1 \quad \square \end{array}$$

- 9** Катакчаларни тўлдиринг.






1 Масаланинг ечимини дафтарга ёзинг.

Анора 8 квадрат ва 5 доира чизди.
Анора квадратларни нечтага
кўпроқ чизган?



Мен масаланинг
схемасини чиздим.



Мен эса
масалани
ечдим.





Ечим


$$8 - 5 = 3$$

Жавоб: 3 кв.

2 Схема бўйича масалани тузинг ва ечимини ёзинг.



3 Жадвални тўлдилинг.



		4
	+	
	+	

Роботнинг тасвирида
4 учбурчак бор.



4 Ифодани тузинг ва куйидаги сонни топинг:


- 4 дан 3 га кичикрок, • 1 дан 5 га каттарок,
- 6 дан 2 га каттарок, • 9 дан 4 га кичикрок.

5 Тенгликларни кўчириб ёзинг.

$$3 + 5 \qquad 8 + 1 = 9 \qquad 8 + 3 \qquad 3 + 3 + 3 = 9$$

$$8 - 2 = 6 \qquad 6 + 0 = 6 \qquad 7 + 2 \qquad 6 < 8 + 1$$

6 **Викторина.** Ким кесмаларни кўпрок топади?
Ким синиқ чизиқларни кўпрок топади?



7 Жадвал тўғри тўлдирилганлигини текширинг ва Ойбекнинг саволларига жавоб беринг.



Кўшилувчи	6	8	3	4
Кўшилувчи	1	2	5	3
Йиғинди	7	10	8	7

- 6 ва 1 сонларининг йиғиндиси қандай?
- 2 ва 8 сонларининг йиғиндиси қандай?
- 8 ва 5 сонларининг айирмаси қандай?
- 7 ва 4 сонларининг айирмаси қандай?

8 Ҳар бир гуруҳда неча сўм?





1 Ойбекнинг мисолига таклид қилинг ва жадвални тўлдиринг.

$$3 + 0 = 3$$




+	0	1	2	4	6
4					

Мисол


+	0	1	2	3
3	3	4	5	6

2 Схема бўйича масала тузинг ва ечимини ёзинг.



3 Масалани ечинг.

Фарҳодда 10та ёнғоқ бўлган, уларнинг 3 тасини у Ойбекка берди. Фарҳодда нечта ёнғоқ қолди?



4 Тенгсизликларни кўчириб ёзинг.

$3 < 5$	$10 - 9$	$8 > 3 + 3$	$7 - 7 = 0$
$3 + 5$	$8 < 9$	$8 > 3$	$3 + 3 = 6$
$8 - 2 > 5$	$6 = 6$	$7 - 2 = 5$	$6 < 8$

5 Таққосланг:

$$\begin{array}{ll} 3 + 5 \neq 3 & 8 + 1 \neq 9 \\ 8 - 2 \neq 8 & 6 - 2 \neq 6 \end{array}$$

Мисол

$$7 - 2 \neq 7$$


$$7 - 2 < 7$$

6 Квадратчаларнинг ўрнида қандай сонлар бўлиши лозим?

$$\begin{array}{ccc} \begin{array}{l} 9 \\ / \quad \backslash \\ 5 \quad \square \end{array} & \begin{array}{l} 9 \\ / \quad \backslash \\ 6 \quad \square \end{array} & \begin{array}{l} 9 \\ / \quad \backslash \\ 2 \quad \square \end{array} & \begin{array}{l} 7 \\ / \quad \backslash \\ 3 \quad \square \end{array} & \begin{array}{l} 7 \\ / \quad \backslash \\ 5 \quad \square \end{array} & \begin{array}{l} 7 \\ / \quad \backslash \\ 1 \quad \square \end{array} \end{array}$$

7 Ўйин. Фаҳмлаб билинг!


Яшиқда 7 олма ва 6 нок бўлган.
Олмаҳон уердан 2 олма ва 2 нокни олиб чиқди.
Яшиқда нечта олма ва нок қолди?



8 Ойбекнинг саволларига жавоб беринг.



a – тўғри
чизиқнинг номи.



- Расмда қандай шаклларни кўраяпсиз?
- Тўғри чизикқа қандай нукталар тегишли бўлади?
- Тўғри чизикқа қандай нукталар тегишли бўлмайди?
- Қайси нукталар чизикнинг ўнг томонида, қайсилари чап томонида туради?
- Расмда нечта кесма бор? Уларни атанг.



1 Намуна бўйича жадвални тўлдириг.

$$7 - 6 = 1$$



-	0	1	2	4	6
6					

Мисол

-	0	1	2	3
7	7	6	5	4

2 Ҳар бир ечим қайси масалага тааллуқли бўлишини фаҳмлашга уриниб кўринг.

Азизада 3 сариқ ва 7 кизил лента бор. Унда ҳаммаси бўлиб нечта лента бор?

Ечим

$$7 + 3 = 10$$

Жавоб: 10 лента.

Ойнада 3 сариқ ва 7 кизил лента бор. Қизил ленталар сариқларга нисбатан нечтага кўпроқ?

Ечим

$$7 - 3 = 4$$

Жавоб: 4 лента.

3 Масалани ечинг.

Синиқ чизиқ қисмларининг бири 4 см, иккинчиси эса 5 см узунликка эга. Синиқ чизиқнинг узунлиги қандай?



4 Ифодани тузинг ва қуйидаги сонни топинг:

- 7 дан 2 га кичикроқ, • 6 дан 4 га каттароқ,
- 7 дан 2 га каттароқ, • 6 дан 4 га кичикроқ.

5 Жадвални тўлдириг.

Кўшилувчи	8	5	7	4	9	5
Кўшилувчи	1	2	3	4	0	4
Йиғинди	9					

6 Такқосланг:

$4 < 4 + 5$

$8 > 8 + 1$

$8 > 8 - 2$

$6 > 6 - 2$

Мисол


$7 > 7 - 2$

$7 > 7 - 2$

7 Ҳисоблашни бажаринг.


$$\boxed{1} \xrightarrow{+4} \square \xrightarrow{-3} \square \xrightarrow{+5} \square \xrightarrow{-3} \square \xrightarrow{-4} \square \xrightarrow{+3} \square \xrightarrow{+3} \boxed{6}$$

8 Синиқ чизикларнинг узунлигини такқосланг.




9 Ҳийин. Фаҳмлаб билинг!

Таёқчаларнинг миқдорини кўпайтириб ёки озайтириб, уларнинг гуруҳлардаги миқдорини тенглаштиринг.



Шунинг сингари Ҳийинни Ҳийлаб топишга уриниб кўринг.

- 1** Ҳафта кунларининг номларини тартиби бўйича ўқинг ва Ойгулнинг саволларига жавоб беринг.



Ҳафтада 7 кун.



Душанба – ҳафтанинг биринчи кун.

Якшанба – ҳафтанинг охири кун.

- Бугун ҳафтанинг қайси кун?
- Ҳафтанинг охиригача неча кун қолди?
- Ҳафтанинг қайси кунини севасиз?
- Сизнинг математика дарсларинг ҳафтанинг қайси кунларида?

- 2** Масаланинг ечимини дафтарингизга ёзинг.

Капалакни тайёрлаш учун Озод 4 қизил, 1 яшил ва 1 сариқ баргдан фойдаланди. Озод ҳаммаси бўлиб неча баргдан фойдаланди?




Ечим

$$4 + 1 + 1 = 6$$

Жавоб: 6 барг.

3 Схема бўйича масала тузинг ва ечимини ёзинг.






4 Жадвални тўлдириг.

+	0	6	3	4
4				

-	0	7	2	4
8				

5 Иккита шаклнинг орасида яна қандай шакл жойлашган?



6 Ўйин. Болаларнинг бири истаган бир хонали сонни атайди, иккинчиси эса уни икки соннинг йиғиндисига турада кўрсатади.

$$7 \quad 7 = 3 + 4$$





1 Расмдан фойдаланиб, Ойгулнинг саволларига жавоб беринг.

— Душанба

✓ Сешанба

△ Чоршанба

□ Пайшанба

⬡ Жума


⬢ Шанба

⬢ Якшанба

Бугун ҳафтанинг қайси куни?



- Стрелкалар билан ҳафтанинг қайси кунлари белгиланган?
- Чоршанбадан кейин ҳафтанинг қайси кунлари келади?
- Ҳафтанинг қайси кунлари жуманинг олдида келади?




2 Жадвални тўлдириг.

+	0	1	2	3
3				
7			9	

-	0	1	2	3
4		3		
9				

3 Схема бўйича масалани тузинг ва ечимини ёзинг.




4 Масалани ечинг.

Анора 6 тухум сотиб олиши лозим эди.
Лекин у 10 тухуми бор қутичани сотиб олди.
Анора нечта тухумни кўпроқ сотиб олди?



5 Ойбек қора синиқ чизикнинг қисмларини ўлчади ва унинг узунлигини ҳисоблади. Сиз эса кўк синиқ чизикнинг узунлигини ўлчанг ва ҳисобланг.



$$3\text{ см} + 2\text{ см} + 5\text{ см} = 10\text{ см}$$



6 Ҳисоблашни бажаринг.

$$\boxed{7} \xrightarrow{-4} \boxed{} \xrightarrow{+3} \boxed{} \xrightarrow{+4} \boxed{} \xrightarrow{-3} \boxed{} \xrightarrow{-4} \boxed{} \xrightarrow{+3} \boxed{} \xrightarrow{+4} \boxed{10}$$

7 Викторина. Ким тенгликларни кўпроқ тузади.

Шаклларни сонлар билан шундай алмаштирингки, тенглик келиб чиқсин.



$$+ \quad + \quad = 8$$

Мисол

$$4 + 2 + 2 = 8$$

Шунинг сингари ўйинни ўйлаб топнишга уриниб кўринг.



1 Жадвалнинг тузилиши билан танишинг.

+	0	1	2	3	4
1	1	2	3	4	5
2	2	3	4	5	6
3	3	4	5	6	7
4	4	5	6	7	8

$3 + 2 = 5$

$5 - 3 = 2$

$5 - 2 = 3$

$5 = 3 + 2$

$3 = 5 - 2$

$2 = 5 - 3$

$1 + 0 = 1$

$2 + 0 = 2$

$3 + 0 = 3$

$4 + 0 = 4$

$1 + 1 = 2$

$2 + 1 = 3$

$3 + 1 = 4$

$4 + 1 = 5$

$1 + 2 = 3$

$2 + 2 = 4$

$3 + 2 = 5$

$4 + 2 = 6$

$1 + 3 = 4$

$2 + 3 = 5$

$3 + 3 = 6$

$4 + 3 = 7$

$1 + 4 = 5$

$2 + 4 = 6$

$3 + 4 = 7$

$4 + 4 = 8$

2 Ҳисоблашни бажаринг.

$4 + 2$

$4 + 0$

$5 + 5$

$0 + 5$

$0 + 0$

$3 + 3$

$4 + 4$

$4 + 5$

$4 + 5$

$3 + 5$

$1 + 1$

$4 + 4$

$4 + 3$

$4 + 1$

$1 + 5$

$2 + 5$

$2 + 2$

$5 + 5$

3 Ҳисоблашни бажаринг.

$7 - 2$

$7 - 0$

$5 - 5$

$8 - 5$

$0 - 0$

$3 - 3$

$7 - 4$

$7 - 5$

$7 - 5$

$9 - 5$

$1 - 1$

$4 - 4$

$7 - 3$

$7 - 1$

$6 - 5$

$10 - 5$

$2 - 2$

$5 - 5$

- 4 Сизни текшириш учун Ойгул ва Азиза 3 тадан хато кетказишди. Хатоларни тузатиб, тенгликларни қайтадан ёзинг.



$$\begin{array}{ll} 7-3=10 & 4+2=6 \\ 4+4=9 & 3+4=7 \\ 2-2=0 & 8-4=4 \\ 8-2=4 & 4-4=0 \end{array}$$

$$\begin{array}{ll} 7-4=2 & 3=2+0 \\ 4-4=1 & 8=2+ \\ 2+3=5 & \\ 4=3+1 & \end{array}$$



- 5 Масалани ечинг.

Ойбекда 10 та, Фарҳодда эса 2 тага озроқ қалам бор. Фарҳоднинг қалами нечта?

- 6 Ҳисоблашни бажаринг.

$$\boxed{3} + 1 \quad \boxed{} + 2 \quad \boxed{} + 3 \quad \boxed{} - 1 \quad \boxed{} - 2 \quad \boxed{} - 3 \quad \boxed{} - 3 \quad \boxed{0}$$

- 7 Викторина. Ким тенгликларни кўпроқ тузади?

Шаклларни сонлар билан шундай алмаштирингки, тенглик келиб чиқсин.



$$\triangle + \square - \bigcirc = 5$$

Мисол

$$6 + 2 - 3 = 5$$

Шунинг сингари ўйинни ўйлаб топишга уриниб кўринг.

- 8 Тенгликни тикланг.

$$\boxed{+} \quad \boxed{-}$$

$$4 \blacklozenge 3 \blacklozenge 2 \blacklozenge 1 = 8$$

$$4 \blacklozenge 3 \blacklozenge 2 \blacklozenge 1 = 4$$


$$4 \blacklozenge 3 \blacklozenge 2 \blacklozenge 1 = 10$$

$$4 \blacklozenge 3 \blacklozenge 2 \blacklozenge 1 = 2$$



**ЙИГИНДИНИ ВА АЙИРМАНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ НОМАЪЛУМЛАРНИ
ЎРНИГА ҚЎЙИШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТОПИШ**

- 1** Тенгликни олиш учун берилган сонларнинг қайсинисини квадратнинг ўрнига қўйиш керак? Тенгликни тикланг.

 1, 7, 4, 2

+ 5 = 9

8 - = 1

+ 9 = 10

7 - = 5




Мен шундай фикр юритаман:

Дафтарга эса куйидагидай ёзсангиз бўлади:



+ 3 = 8

 1, 7, 5, 0, 2

▲ 1 + 3 = 8

▲ 7 + 3 = 8

▲ 5 + 3 = 8, тўғри.

5 + 3 = 8

- 2** Гулнора 7 ёшда. Лена Гулнорадан 3 ёш кичикроқ.



Ленанинг неча ёшдалигини кўрсатадиган ифодани танланг ва унинг қийматини ҳисобланг.

7 + 3 7 - 1 7 - 3 3 + 7

- 3** Масалани ечинг.

Гулнора 7 ёшда. Клара Гулнорадан 2 ёш каттароқ. Клара неча ёшда?

- 4** Амалларни бажаринг.



5 Расмдан фойдаланиб, Ойгулнинг саволларига жавоб беринг.


- Душанба
- ∇ Сешанба
- △ Чоршанба
- Пайшанба
- ⬡ Жума
- ⬢ Шанба
- ⬣ Якшанба

Бугун ҳафтанинг қайси куни?



- 5 кундан кейин ҳафтанинг қайси куни бўлади?
- 5 кун олдин ҳафтанинг қайси куни бўлган?

Шунинг сингари саволларни ўйлаб топишга уриниб кўринг.




6 Тушириб қолдирилган сонларни атаб, ўқинг.

- 1, ..., 3, ..., ..., 6 5, ..., 7, ..., ..., 10
- 4, ..., 6, 7, ..., ..., 10 6, ..., 8, ..., 10

7 Ҳисоблашни бажаринг.

$$\boxed{8} \xrightarrow{-6} \square \xrightarrow{+5} \square \xrightarrow{+3} \square \xrightarrow{-4} \square \xrightarrow{-4} \square \xrightarrow{-2} \square \xrightarrow{+8} \boxed{8}$$

8 Бўш катакчаларда қандай шакллар бўлиши лозим?





- 1** Ойбек ва Ойгул тенгликлар келиб чиқиши учун квадратчаларнинг ўрнига қандай сонларни қўйиши лозимлигини аниқланг.



$$\begin{array}{ccc} 2 & 5 & 0 \\ & 6 & \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 4 + \text{yellow} = 10 \\ 4 + \text{green} = 4 \\ 4 + \text{pink} = 6 \\ 4 + \text{white} = 9 \end{array}$$

$$\begin{array}{ccc} 2 & 7 & 0 \\ & 6 & \end{array}$$



$$\begin{array}{l} 3 + \text{yellow} = 5 \\ 3 + \text{green} = 9 \\ 3 + \text{pink} = 3 \\ 3 + \text{white} = 10 \end{array}$$

- 2** Тенгликни тикланг.

	7, 4, 5, 0
--	------------

$$\square + 4 = 9$$


$$\square + 4 = 8$$

$$\square - 5 = 2$$


$$\square + 3 = 3$$

- 3** Масалани ечинг.


Ойбекда 10 сўм бўлган.
7 сўмга у конфет сотиб олди.
Ойбекда неча сўм қолди?



- 4** Схема бўйича масала тузинг ва ечимини ёзинг.




- 5** Бир таёқчанинг ўрнини шундай алмаштирингки, улар камайиш тартибида ётишсин.





1 Жадвални тўлдириг.

 0, 1, 2, 6, 7, 9

Қўшилувчи	2		8	5		10
Қўшилувчи	4	3		4	6	
Йиғинди		10	9		8	10

2 Такқосланг:

$$3 + 5 \color{pink} \bullet 3 + 2$$

$$8 + 1 \color{pink} \bullet 8 + 2$$

$$4 + 3 \color{pink} \bullet 4 + 3$$

Мен шундай фикр юритаман:

$$6 > 3$$

$$4 + 6 > 4 + 3$$



Мисол

$$4 + 6 \color{pink} \bullet 4 + 3 \quad 4 + 6 > 4 + 3$$

3 Узунликлари 3 см, 4 см ва 2 см бўлган қисмлардан синик чизик чизинг ва унинг узунлигини ҳисобланг.

4 Квадратчаларни сонлар билан шундай алмаштирингки, тўғри ёзув пайдо бўлсин.

1, 5, 0, 2

$$5 + \square < 6$$

$$3 + \square = 5$$


$$6 + \square = 7$$

$$3 + \square > 7$$

5 Ойбек шаклларни қандай кетма-кетликда бўяган?




Мен ручкаларни бўяшдан бошладим.





ГУРУҲЛАР ОРҚАЛИ ҲИСОБЛАШЛАР




1 Ҳар бир гуруҳда нечтадан бешликлар бор?



2 Ҳар бир гуруҳда нечтадан ўнликлар бор?



Мана бунча –
бу бир ўнлик.




3 Жадвални тўлдириг.

+	0	3	6
4	4		
2			

-	2	3	5
9	7		
10			

4 Тенгликни тикланг.



$4 + \square = 5$

$\square - 5 = 2$

$7 + \square = 10$

$\square - 9 = 0$

5 Викторина. Ким тенгликларни кўпроқ тузади?

Шакларни сонлар билан шундай алмаштирингки, тенглик келиб чиқсин.



$\triangle - \square + \circ = 7$


Мисол

$6 - 2 + 3 = 7$

Шунинг сингари ўйинни ўйлаб топишга уриниб кўринг.

6 Ўйин. Фаҳмлаб билинг!

Таёқчаларни бошқа жойга шундай қўйингки, уларнинг гуруҳлардаги миқдори тенглансин.




Шунинг сингари ўйинни ўйлаб топишга уриниб кўринг.





ЎНЛИКЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШЛАР


1 Ҳар бир гуруҳда нечтадан ўнликлар бор?



2 Расмлар бўйича тенгликлар тузинг.



Мисол



$$1 \text{ ўнлик} + 2 \text{ ўнлик} = 3 \text{ ўнлик}$$

3 Ўнликлар билан амалларни бажаринг.

$$3 \text{ ўнлик} + 2 \text{ ўнлик}$$

$$8 \text{ ўнлик} - 5 \text{ ўнлик}$$


$$6 \text{ ўнлик} - 2 \text{ ўнлик} + 5 \text{ ўнлик}$$

$$2 \text{ ўнлик} + 8 \text{ ўнлик} - 2 \text{ ўнлик}$$

Мисол

$$3 \text{ ўнлик} + 1 \text{ ўнлик} + 2 \text{ ўнлик} = 6 \text{ ўнлик}$$

4 Тенгликни тикланг.



$$2 + \square = 8$$

$$4 - \square = 4$$

$$9 - \square = 5$$

$$3 + \square = 8$$

- 5** Берилган масалага қандай ечим тааллуқли?
Масаланинг ечимини дафтарга ёзинг.

*Клара 7 ёшда, синглиси эса 3 ёш кичикроқ.
Синглиси неча ёшда?*

Ечим

$$7 - 3 = 4$$


Жавоб: 4 ёшда

Ечим

$$7 + 3 = 10$$

Жавоб: 10 ёшда


- 6** Синиқ чизикларнинг узунлигини таққосланг.



- 7** Ҳисоблашни бажаринг.

$$\boxed{8} \xrightarrow{-7} \square \xrightarrow{+5} \square \xrightarrow{+4} \square \xrightarrow{-5} \square \xrightarrow{-5} \square \xrightarrow{+2} \square \xrightarrow{+6} \boxed{8}$$

- 8** Квадратдан қандай шаклни кесиб олишган?



- 9** Бир таёқчанинг ўрнини шундай алмаштирингки, улар кўпайиш тартибида ётгандай бўлсин.



- 1** Сонни ўқинг ва у нечта ўнликлар ва birlikларни ўз ичига олишини айтинг.

ўнлик

бирлик

15 сони 1 ўнликни ва 5 birlikни ўз ичига олади.

11 ўнбир



11

ўнбир



12

ўникки



13

ўнуч



14

ўнтўрт



15

ўнбеш



16

ўнолти



17

ўнетти



18

ўнсаккиз



19

ўнтўккиз



20

йигирма


2 Стрелкалар билан белгиланган сонларни атанг.



3 Дафтарингизга 11 дан 20 гача сонларни ёзинг.

11, 12, ...

4 Номмаълум компонентларни топинг ва тенгликларни тикланг.

 5, 10, 7, 3

$$\square + 7 = 10$$

$$5 - \square = 0$$

$$\square - 4 = 6$$

$$2 + \square = 9$$

5 Ўнликлар билан амалларни бажаринг.

$$4 \text{ ўнлик} + 2 \text{ ўнлик}$$

$$6 \text{ ўнлик} + 2 \text{ ўнлик} - 5 \text{ ўнлик}$$


$$9 \text{ ўнлик} - 5 \text{ ўнлик}$$

$$9 \text{ ўнлик} - 4 \text{ ўнлик} + 3 \text{ ўнлик}$$

6 Ҳисоблашни бажаринг.

$$\boxed{10} \xrightarrow{-8} \square \xrightarrow{+6} \square \xrightarrow{+1} \square \xrightarrow{-4} \square \xrightarrow{-4} \square \xrightarrow{+2} \square \xrightarrow{+7} \boxed{10}$$

7 Бўш катакчаларни тўлдириш.





1 Сонларни ўқинг.



2 Расмларнинг ёрдами билан тенгликларни тикланг.

 $10 + \square = 11$

 $10 + \square = 16$

 $10 + \square = 12$

 $10 + \square = 17$

 $10 + \square = 13$

 $10 + \square = 18$

 $10 + \square = 14$

 $10 + \square = 19$


 $10 + \square = 15$


 $10 + \square = 20$

3 Масалани ечинг.

Богда зардоли дарахтлари 10 та, шафтолилар эса 3 тага кўпроқ. Богда шафтоли дарахтлари нечта?

4 Жадвални тўлдириг.

 6, 12, 10

 4, 7, 12

Кўшилувчи	2		10
Кўшилувчи	10	4	
Ўйинди		14	16

Камаювчи	17	14	
Айирувчи	10		10
Айирма		10	2

5 Берилган шакллардан 3 та квадратни тузинг.



1



2



3



4




5



6



1 Ағдарилган карточкаларда қандай сонлар ёзилган?



2 Расмларнинг ёрдами билан тенгликларни тикланг.

$11 - \square = 10$

$16 - \square = 10$

$12 - \square = 10$

$17 - \square = 10$

$13 - \square = 10$

$18 - \square = 10$

$14 - \square = 10$

$19 - \square = 10$

$15 - \square = 10$


$20 - \square = 10$

3 Масалани ечинг.

Асқар 17 дарахтнинг 7 тасини сугорди.

Унга тагин нечта дарахтни сугориши қолган?

4 Тенгликларни тикланг.

 +, -, 0, 1, 2, 5, 7, 9

$8 \square = 10$

$7 \square = 2$

$7 \square = 0$

$1 \square = 10$

$6 \square = 6$

$6 \square = 7$

5 Ҳар бир гуруҳда нечта сўм?





СОННИ ЎНЛИКНИНГ ВА БИРЛИКЛАРНИНГ ЙИГИНДИСИ ҲОЛИДА ИФОДАЛАШ

1 Сонларнинг ҳар бирини ўнликнинг ва бирликларнинг йиғиндиси ҳолида ифодаланг.

$$\begin{array}{c} \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \\ \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \end{array} 15 =$$

$$\begin{array}{c} \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \\ \bullet \bullet \bullet \bullet \end{array} 11 = 1 \text{ ўнлик} + 1 \text{ бир.} \quad \begin{array}{c} \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \\ \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \end{array} 16 =$$

$$\begin{array}{c} \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \\ \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \end{array} 12 = \quad \begin{array}{c} \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \\ \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \end{array} 17 =$$

